

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING

А Ж Р И М И

20 [REDACTED] йил [REDACTED] ойининг [REDACTED] куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди [REDACTED], ҳайъат судьялари [REDACTED] ва Ф [REDACTED] иборат таркибда, судья катта [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] т туман судининг 20 [REDACTED] йил [REDACTED] ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 2-қисми билан судланувчи

[REDACTED] 19 [REDACTED] йил [REDACTED] У [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган [REDACTED], иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчи [REDACTED] томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 3 йил озодликни чеклаш, ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59,61-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан қатъий ўташ учун 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан даволаниш тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чораси қўлланилган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED], 20 [REDACTED] ойида ўзининг яшаш манзили бўлган [REDACTED] маҳалласидаги яшаш уйи чердагида пластмасса сатилда, тақиқланган экинлар, яъни таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган бир дона “каннабис” гиёҳвандлик



ўсимлиги уруғини экиб, ўсиб чиққан гиёҳвандлик ўсимлигига ишлов бериб, парваришлаб, етиштирган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ходимлари томонидан [REDACTED] тумани [REDACTED] жойлашган яшаш уйи холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтида, яшаш уйи ертўласида бир дона елим идишда алоҳида ва бир дона 3 литрлик шиша бонкада алоҳида ҳолда жами 245,63 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Судланувчи [REDACTED] апелляция шикоятда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлиги, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят [REDACTED] маърузасини, [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятдаги келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи [REDACTED] айби, ўзининг иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳ [REDACTED] ларнинг кўрсатувлари, ходиса жойини кўздан кечириш, тинтув ўтказиш қарори ва баённомаси, фото-иловалар, судга оид норкология экспертизаси хулосаси, судга оид кимёвий экспертизаси хулосаси, ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда бошқа жиноят ишида мавжуд далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 2 нафар фарзандлари брoлиги, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг



8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида эса, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланиллиши ҳақида берилган тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам қисмини тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтама келган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлаолмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶, 497³¹-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати,-

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [] туман судининг []
[] га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

[]

Ҳайъат судьялари:

(имзо)

[]

(имзо)

[]

Аслига тўғри:

